# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

3-son (4- jild)
2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I3Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 3 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## *МУНДАРИЖА*

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Hamroyev Asliddin Umed oʻgʻli*
"GULSHANUL MULUK" ("SHOHLAR GULSHANI") ASARI – MANGʻITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI ........ 13-18

*Bazarbayeva Shohsanam Muratovna*
SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) ........ 19-23

*Asadova Dilnoza Innatovna*
OʻZBEKISTONDA RAQS SAN'ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI ........ 24-28

*Ҳайитов Умед Яҳёевич*
ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ........ 29-34

*Омонова Сарвиноз Ориф қизи*
ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ... 35-42

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Алимханова Нигора Алимхановна*
ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 43-52

*Mahmudova Dilafruz Hasanovna*
KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI ........ 53-60

*Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li*
SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ........ 61-69

*Мехмоналиев Улугбек Эркинжон угли*
СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ . 70-75

*Паязов Мурод Максудович*
"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ ........ 76-86

*Шадибекова Дилдор Абдурахмановна*
ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ ........ 87-92

*Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu*
INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION ........ 93-99

*Мамажонова Одинахон Алишер қизи*
КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ........ 100-106

*Nozimov Eldor Anvarovich*
ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA OʻZBEKISTON VA XORIJIY DAVLATLARNING OʻRNI ........ 107-115

*Буранова Жазира Эрграш қизи*
ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ ГОСУДАРСТВА ........ 116-120

*Худойназаров Фахритдин Хаитович*
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ........ 121-127

*Бахтиёров Бобур Баходир ўғли*
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ........ 128-136

*Isomitdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna*
OʻZBEKISTON SHAROITIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ........ 137-145

*Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li*
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEXNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI ........ 146-150

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon oʻgʻli*
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI ........ 151-159

*Saidov Shohruh Mirzo*
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ........ 160-169

*Kunduzova Kumrixon Ibragimovna*
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XOʻJALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING OʻRNI ........ 170-177

*Inomjon Matkarimov*
AGROKIMYO BIOKIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA’MINLASHNING SWOT TAHLILI ........ 178-183

***09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***

*Gʻaybullayev Otabek Muxammadiyevich*
JAMIYATDA ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI ........ 184-189

*Masharipova Gularam Kamilovna*
MAHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAGʻMINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY’A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI ........ 190-198

*Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна*
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО-ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ ........ 199-206

*Urinov Xushnudjon Abdulomitovich*
TA’LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI ........ 207-220

*Азизқулов Акрам Абдурахмонович*
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ........ 221-227

*Kenjayev Ulugʻbek Muratovich*
BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI ........ 228-232

*Gʻaybullayeva Laylo Safarboyevna*
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI ........ 233-238

*Xoʻjanova Tamara Joʻraevna*
YOSHLAR MAʼNAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN OʻZINI ONGLI HIMOYA QILISH KOʻNIKMALARI ........ 239-245

*Jabborova Saodat Sattorovna*
MAʼNAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI ........ 246-252

*Xusanov Gʻolib Elmurodovich*
OʻZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI ........ 253-257

*Агзамходжаева Шахноза Саидматмабовна*
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ ........ 258-265

*Oʼrazov Bobir Baxtiyorovich*
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI ........ 266-270

*Qunishev Ulugʻbek Ulashevich*
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TAʼSIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR ........ 271-275

*Турдибоев Бозор Худойбердиевич*
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА ........ 276-282

*Kenjayeva Dilrabo Rominovna*
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TAʼLIMOTIDA OʻZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ........ 283-287

*Azamatova Gulrukh Islom qizi*
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION ........ 288-293

*Тошпулатова Ширин Мухиддиновна*
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ........ 294-302

*Yuldasheva Dilorom Yuldashevna*
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION ........ 303-307

*Bekchanov Xudoybergan Oʻrinivich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi*
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA KOMMUNIKATIV QOBILYATNING RIVOJLANISHI ........ 308-314

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Ткебучава Ирина Георгиевна*
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ ........ 315-320

*Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nursultanqizi*
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA) ........ 321-327

*Ashurova Maftuna Asqar qizi*
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT "HAPPINESS" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ........ 328-334

*Mustafayeva Saodat Burxanovna*
SALIM ASHUR SHE'RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLAR VOSITASIDA VOQELIKNI BADIIY TALQIN ETISH ........ 335-340

*Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi*
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR ........ 341-346

*Xajiyeva Dilfuza Adambayevna*
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O'RNI VA O'RGANILISHI ........ 347-351

*Jumanova Sevara Xolmurod qizi*
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA ........ 352-356

*Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna*
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI ........ 357-366

*Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich*
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION ........ 367-370

*Maxmudova Fotima Maqsud qizi*
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE ........ 371-375

*Maxmudova Zuhra Maqsud qizi*
BADIIY TARJIMANING TILSHUNOSLIKDAGI AHAMIYATI ........ 376-380

*Davronova Zulfiya Boboyevna*
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE ........ 381-386

*Hakimova Dilrabo Yo'ldoshovna*
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA ........ 387-392

*Мадрахимов Тулибай Абдукаримович*
СЎЗЛАШУВ НУТҚИНИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ........ 393-395

**12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Ergashev Ikrom Abdurasulovich*
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG'LIQ HUQUQBUZARLIKLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI ........ 396-402

*Куатбек Гулнар Куатбековна*
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ ........ 403-409

*Jurayev Dilmurot Mukhtarovich*
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS ........ 410-415

*Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi*
CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) ........ 416-428

*Касимов Нодиржон Содикжонович*
ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ........ 429-438

*Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович*
ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........ 439-445

*Джалилов Сардор Шавкатович*
ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ........ 446-453

## *13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*

*Mirzayev Qodir Toirovich*
ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ........ 454-458

*Васильченко Ольга Анатольевна*
ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ........ 459-463

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ........ 464-470

*Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna*
TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI ........ 471-477

*Jurayev Bobomurod Tojiyevich*
ABU ALI IBN SINO QARASHLARIDA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI ........ 478-482

*Umurova Ma’rifat Yoshiyevna*
XALQ QO’SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA ........ 483-486

*Raxmanova Dildora Abdulxamid qizi*
INGLIZ TILIDA AKADEMIK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI ........ 487-492

*Rajabiy Aziz Xasanovich*
VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI ........ 493-497

*Omanov Rashid Sherqobilovich*
O‘QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO‘G‘RI TASHKIL ETISH ........ 498-501

*Салимов Акром Хайитович*
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ........ 502-507

*Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich*
TA’LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI ........ 508-514

*Ли Екатерина Владимировна*
СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ........ 515-523

*Ахмедова Нафиса Исаходжаевна, Азаматов Абдулло Исахўжа ўғли, Лутфуллина Румия Анваровна*
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 524-533

*Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна*
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ ........ 534-541

*Amonov Mirjon Namozovich*
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI ........ 542-547

*Sharipov Habibullo Abduqahhorovich*
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA’LIMNING O’RNI VA AHAMIYATI ........ 548-552

*Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna*
RAQAMLI TA’LIM MUHITIDA BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH ........ 553-560

*Xakimova Gulshan Abduxalilovna*
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI TARBIYALASH ........ 561-565

*Nazarov Rustam Irkinovich*
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE) ........ 566-570

*Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi*
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O‘QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O‘YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI ........ 571-576

*Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna*
BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O‘QITISH VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI ........ 577-585

*Usmonova Matluba Nosirovna*
O‘QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI ........ 586-590

*Ustaev Abdurazzoq Qurbonovich*
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI VOSITALARI ........ 591-596

*Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna*
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A SCHOLARLY EXAMINATION ........ 597-603

*Yeshanov Marat Urazaliyevich*
INGLIZ TILINI O’QITISHDA BO’LAJAK CHET TILI O’QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI LANGUAGE) ........ 604-616

*Tursunova Shahnoza Bekchanovna*
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'RNATISH ........ 617-622

*Atoyeva Gulshoda Rabimovna*
OILADAGI ZO'RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI ........ 623-628

*Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbonova Aziza Davlat qizi*
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI ........ 629-635

*Jamolova Mokhigul Bakhtiorovna*
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES ........ 636-641

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 3 (4) - 2024
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Ахмедова Нафиса Исаходжаевна,**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
“Теннис, бадминтон, стол тенниси назарияси ва услубияти”
кафедраси ўқитувчиси

**Азаматов Абдулло Исахўжа ўғли,**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
“Теннис, бадминтон, стол тенниси назарияси ва услубияти”
кафедраси ўқитувчиси

**Лутфуллина Румия Анваровна**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
“Теннис, бадминтон, стол тенниси назарияси ва услубияти”
кафедраси ўқитувчиси

# ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада стол тенниси билан шуғулланадиган спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланилган. Ёш теннисчиларни жисмоний тайёргарлигини назорат тестлари орыали текширилган. Тадқиқотдан олдин ва кейин кузатувлар олиб борилган. Ёш теннисчиларда турли хил ҳаракатли ўйинларни қўллаш орқали жисмоний тайёргарлиги ошганлигини кўриш мумкин.

**Калит сўзлар:** Стол тенниси, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тайёргарлик.

**Akhmedova Nafisa Isaxodjayevna**
Teacher of the department “Theory and methodology of tennis, badminton,
table tennis” Uzbek State University of Physical Culture and Sports

**Azamatov Abdulla Isaxo’ja o’g’li,**
Teacher of the department “Theory and methodology of tennis, badminton,
table tennis” Uzbek State University of Physical Culture and Sports

**Lutfullina Rumiya Anvarovna**
Teacher of the department “Theory and methodology of tennis, badminton,
table tennis” Uzbek State University of Physical Culture and Sports

# THE IMPORTANCE OF ACTION GAMES IN THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL FITNESS OF YOUNG TENNIS PLAYERS

**Abstract.** In the article, outdoor games are used in the development of physical fitness of table tennis athletes. Tests for monitoring the physical fitness of young tennis players have been tested. Observations were made before and after the study. In young tennis players, it is clear that physical fitness has improved through the use of various motor games.

Key words: Table tennis, outdoor games, physical training.

**Ахмедова Нафиса Исаходжаена,**
Преподаватель кафедры «Теория и методика тенниса, бадминтона, настольного тенниса»
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

**Азаматов Абдулло Исахужа угли,**
Преподаватель кафедры «Теория и методика тенниса, бадминтона, настольного тенниса»
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

**Лутфуллина Румия Анваровна**
Преподаватель кафедры «Теория и методика тенниса, бадминтона, настольного тенниса»
Узбекский государственный университет физической культуры и спорта

# ВАЖНОСТЬ ПОДВИЖНЫХ ИГР В РАЗВИТИИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ ЮНЫХ ТЕННИСИСТОВ

**Аннотация.** В статье подвижные игры используются в развитии физической подготовленности спортсменов по настольному теннису. Проверены тесты контроля физической подготовленности юных теннисистов. Наблюдения проводились до и после исследования. У юных теннисистов видно, что физическая подготовленность улучшилась за счет использования различных двигательных игр.
Ключевые слова: Настольный теннис, подвижные игры, физическая подготовка

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N75

**Мавзунинг долзарблиги.** Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, миллат генофонини асраш, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спорт машғулотларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини кўтариш, спорт турларини ривожлантириш ҳамда оммавийлигини ошириш, иқтидорли спортчиларни саралаш ҳамда юқори малакали мураббийларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу боисдан замонавий спорт мусобақаларида ўзаро рақобатнинг кескинлашуви ва спорт натижаларининг тўхтовсиз ўсиб бориши ўқув-машғулот жараёнига янгича илмий назар билан ёндашишни тақозо этади. Юксак махорат, кенг ва психофункционал имкониятларга эга ёш, иқтидорли ҳамда рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш муаммоси муқобил ва самарадор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш заруриятини кучайтирмоқда. [2, 125].

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлиги нафақат уларнинг узлуксизлиги ва мунтазамлиги билан белгиланади, балки бу машғулотлар ҳажми, шиддати ва таъсир этиш қиймати билан асосланиши лозим. Бинобарин, машғулотлар жараёнида болаларнинг жисмоний имкониятларини меъёрий тест машқлари ёрдамида босқичли назорат остига олиш ва олинган динамик натижалар асосида шу машғулотлар мазмунига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш,

болалар ўртасида оммавий спортни ривожланиш динамикасини ўрганиш ва шу жараён самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган моддий, ҳуқуқий, меъёрий ва ташкилий омиллар ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Болалар спортини ривожлантириш фақатгина моддий-техник жиҳатлари билан белгиланмайди, балки ёш авлодни глобал миқёсда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, машғулотларни илмий асосда ташкиллаштириш ва спорт маҳоратининг фундаментал негизи бўлмиш жисмоний тайёргарликни самарали шакллантириш муҳимлигига эътибор қаратади.

Спорт тайёргарлиги кўп босқичли мураккаб педагогик жараён бўлиб, машғулотларни илмий асосда ташкил қилиниши тақозо этади. Машғулотларда қўлланиладиган жисмоний ва функционал имкониятларига мослаб режалаштирилиши ва қўлланилиши лозим. Ушбу машқлар сони шиддати, қайтарилиши ва давом этиш вақти биологик қонунларга асосланиши даркор. Агар машқлар юкламаси болалигидан ўта юқори бўлса, шундай юклама боланинг организмига салбий таъсир этиши мумкин. Аксинча юклама имкониятларидан кам бўлса, шаклланиш жараёни сустланиши мумкин. Айрим мураббийлар қисқа вақт ичида жисмоний сифатларни ривожлантириш жадаллаштириш тезроқ малакали спортчи тайёрлаш мақсадида махсус ва ихтисослашган машқларни зўрма-зўрини қўллайдилар, тўғри айрим ҳолатда яъни агар боланинг наслий ва индивидуал жисмоний имкониятлари серзаҳира бўлса бундай бола тезда спортчи бўлиб етишади.

Замонавий стол теннисда теннисчиларнинг самарали ўйин кўрсатиши ва юқори натижаларга эришиши, ўта шаклланган жисмоний тайёргарлик эвазига амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари тезкор ҳаракатланиш, иш қобилиятини туширмасдан узоқ вақт малакаларни самарли бажара олиш қобилиятлари ҳам етакчи ўринда туради. Шунинг учун спорт тайёргарлиги тезкорлик, куч, чаққонлик, чидамкорлик ва эгилувчанлик сифатларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ушбу сифатларнинг етарли даражада ривожланган бўлиши спорт маҳоратининг самарали шаклланишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, бу сифатлар спорт маҳоратини тез ва мукаммал ўсиши учун энг зарур пойдеворидир. [6, 131].

**Мавзуни ўрганишдан мақсад:** Ёш теннисчиларнинг жисмоний техник тайёргарлик даражасини аниқлаш ва ўқув машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинлар орқали шаклантириш усулларини ўрганиш ҳамда амалиётда қўллашдан иборатдир.

**Тадқиқот олиб бориш вазифалари.** Юқоридаги мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди.

**1.** Танланган мавзу юзасидан Илмий мақолалар, илмий адабиётлар, олимларнинг илмий тадқиқотларининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

**2.** Тадқиқот ўтказиш учун тадқиқотнинг объектини, тажриба ва назорат гуруҳларини аниқ белгилаб олиш.

**3.** Ёш теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини махсус тестлар орқали баҳолаш.

**4.** Ёш теннисчиларнинг жисмоний техник тайёргарлигини ривожлантириш учун ҳаракатли ўйинлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва машғулотларда қўллаш.

**5. Т**адқиқот давомида амалга оширилган ишларни ва тадқиқот натижаларини умумлаштириб хулосалар қилиш ва амалий тавсиялар бериш.

Ёш теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг ўрни беқиёсдир. Хусусан болаларнинг севимли машғулоти ҳаракатли ўйинлар ҳисобланади машғулотларда ҳам ушбу ҳаракатли ўйинлар орқали шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатларини, техник ҳаракатларини ривожлантириш учун фойдаланиш айни муддаодир.

Ҳаракатли ўйинлар болаларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ўйинлар турли қийинчиликларни енгишга ўргатади ва болаларда ҳар хил фазилатларни камол топтиради. Улар машқлар орқали юриш, югуриш, сакраш, ирғитиш, улоқтириш, тирмашиб чиқиш каби ҳаракатларни мукаммаллаштиради.

Шунингдек, ҳаракатли ўйинлар болаларда ахлоқий жиҳатларни ҳам шакллантиради. Масалан, интизомлилик, дўстлик, бир-бирига ҳурмат, онглилик, жамоада ўзини тутиш, ўйин қоидаларига риоя қилиш, диққат, обрў учун кураш, ўртоқларга беғараз ёрдам бериш каби фазилатларни ривожлантиради. Бундай ўйинларга "Эпчил болалар", "Қувлашмачоқ", "Ким келди" ва бошқалар мисол бўла олади.

Ҳаракатли ўйинлар айни вақтда болаларга қувонч ва завқ ҳам беради, чунки улар мусобақа шаклида ўтади. Шундай қилиб, бундай ўйинлар болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади.

Ёш теннисчиларни тайёрлаш жараёнида, айниқса дастлабки босқичда, ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бир хилдаги мунтазам берилаётган машқлар болаларда қизиқишнинг сўнишига олиб келиши ва уларни спортдан совутиши мумкин. Шунинг учун ёш спортчиларни тайёрлашда улардаги ташаббускорликни рағбатлантириш ва фаол иштирок этишларига шароит яратиш зарур.

Ҳаракатли ўйинлар орқали болаларда жисмоний сифатлар ривожланади, техник-тактик маҳоратлари шаклланади. Шу сабабли, ўйинларни ташкил этишда болаларнинг ташаббуслари ва фаоллигини рағбатлантириш муҳим роль ўйнайди.

Ёш теннисчиларнинг ҳолатини ўрганиш ва уларда ҳаракатли ўйинларга нисбатан қизиқишларини аниқлаш мақсадида махсус тест меъёрлари қабул қилинган. Бу меъёрлар ёш спортчиларни тайёрлаш жараёнини янада самаралироқ ташкил этишга ёрдам беради.




***Изоҳ;*** **Т/о**-тадқиқотдан олдин, **Т/к**-тадқиқотдан кейин.

Юқоридаги тестлар орқали теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини тадқиқот бошида ва тадқиқот сўнгида баҳоладик, олинган натижалар жадвалларда акс эттирилди. Теннисчиларнинг тадқиқотдан олдин ва кейинги қайд этган натижаларини бир-бири билан таққослар эканмиз бу ерда тадқиқотдан олдинги натижаларга нисбатан тадқиқотдан кейинги натижа сезиларли даражада ўсганлигини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотдан олдинги ва тадқиқотдан кейинги тест натижаларининг таҳлилига кўра теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлик даражаси тадқиқотдан сўнг ўртача ҳисобда **1,4 %** ўсганлиги исботланди.

**Тадқиқот давомида ёш теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ривожлантиришда қўлланилган халқ ҳаракатли ўйинлар.**

Ёш теннисчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш учун ўйинларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тезкорликни ошириш учун мўлжалланган ўйинлар;
2. Кучни мустаҳкамлашга қаратилган ўйинлар;
3. Чаққонликни яхшилашга хизмат қиладиган ўйинлар;
4. Чидамлиликни оширишга мўлжалланган ўйинлар;
5. Эгилувчанликни ривожлантирадиган ўйинлар.

Айрим ўйинлар бир вақтнинг ўзида бир нечта жисмоний сифатни ривожлантириш имконини беради. Болалар ёши катталашган сари, бундай ўйинлар янги жиҳатлар билан бойиб боради. Шу жараёнда ўйинлар оддийдан мураккабга томон ривожланади. Бунда фақат янги ҳаётий вазиятлар акс эттирилмасдан, балки ўша ўйиннинг ўзига хос шакллари ҳам такомиллашиб боради. Бу жараён болаларнинг билим даражаси ва ҳаётий тажрибасининг ортиши билан боғлиқ равишда юз беради.

***1. Тезкорликни тарбияловчи ўйинлар.*** Тезкорликни ривожлантириш учун машқлар максимал тезликда бажарилиши керак. Бундай ўйинлар сигналга тез жавоб қайтаришни, қисқа вақт ичида кўп ҳаракатларни бажаришни, бутун танани ёки унинг бир қисмини тез ҳаракатлантиришни талаб қилади. Икки гуруҳнинг фаол рақобатлашувига асосланган ўйинларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳаракатланаётган объектга нисбатан тез реакция қилиш кўникмаларини ривожлантирувчи ўйинлар яхши самара беради. Бундай ўйинларга "Дўппи кийишда ким ғолиб?", "Тўрт бурчак", "Бўш жой", "Ким тезкор ўйнайди" каби ўйинлар киради.

Масалан, "Дўппи кийишда ким ғолиб?" ўзбек халқининг анъанавий ҳаракатли ўйинларидан бири бўлиб, бола тезкорлик ва чаққонлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади ва 30 метрлик масофа икки дўппи билан белгиланади. Гуруҳлардан иккитадан бола шу масофага югуриб бориб, дўппини бошидан тушмай қайтиши керак. Ўйин гуруҳдаги барча болаларнинг бошига дўппи кийгизилгунча давом этади. Шартни тезроқ бажарган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

***2. Кучни ривожлантирувчи ўйинлар.*** Ўқувчиларнинг куч сифатини ривожлантириш учун ўқитувчи мушак гуруҳларини мақсадли равишда машқ қилдирадиган ўйинларни танлаши керак. Бундай ўйинларда болалар ўз тана оғирлиги, ташқи юк ёки рақиб қаршилигини енгишга мажбур бўлади. Куч ривожлантиришга хизмат қиладиган ўйинлар сифатида "Хўроз-хўроз", "Улоқ", "Отдан ағдариш", "Оқсоқ бўри ва қўйлар", "Чуқурга тушир" каби ўйинлар тавсия этилади.

"Хўроз-хўроз" ўйини қанчалик кўп болалар иштирок этса, шунчалик қизиқарли бўлади. Асосан ўғил болалар иштирок этадиган бу ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади, сардорлар сайланади. Ўқитувчи синфни икки жамоага ажратади. Улар юзма-юз қараб турадилар. Ҳар гуруҳдан биттадан бола ўртага чиқади. Улар қўлларини орқага олиб, бир оёқда сакрашиб, бир-бирларини елкалари билан итаришга ҳаракат қиладилар. Бунда оёқни ерга қўйиш ёки қўлларни олдинга олиб ўйнаш мумкин эмас. Ўйиннинг мақсади болалар кучини синаш ва чидамлиликни оширишдир.

Бошқа бир вариантда, ерга доира чизилади ва икки бола шу доира ичида ўйнайди. Улар бир оёқда сакраб, бир-бирларини елкалари билан итаришга ҳаракат қилади. Доирадан чиқиб кетган ёки оёғини ерга қўйган бола ютқизган ҳисобланади.

Тезкорлик ва кучни ривожлантирадиган ўйинлар болаларга турли вазифаларни енгиллик билан бажаришга ёрдам беради.

***3. Чаққонликни тарбияловчи ўйинлар.*** Чаққонликни ривожлантириш учун бажариш шароитлари ўзгарувчан ва аниқ ҳаракатларни талаб этадиган миллий ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай ўйинларга "Алмаш қадамлар", "Тирилтиришма", "Урди-қочди", "Олача товуқ", "Ким чаққон" каби ўйинлар киради.

Масалан, "Алмаш қадамлар" ўйини болаларни чаққонликка ўргатади. Бу ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади ва узунасига сафга тизиладилар. Сўнгра улар навбат билан тортилган чизиқ устидан чиллак қадамлар билан юришлари керак. Қўлларни ҳолатини ўзгартириб, ўйин қоидаларини мураккаблаштириш мумкин: 1) қўлларни ён томонга узатган ҳолда, 2) қўлларни орқага олган ҳолда, 3) қўллар билан бошнинг орқасини ушлаган ҳолда.

Ўйинни энг чаққон ва хатосиз бажарган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Мувозанатни бузган, чизиқдан четга чиққан ўйинчилар ўйиндан чиқади. Ўйин шу тариқа давом этади. Бу ўйин болаларда руҳий сезгирликни шакллантиради, уларни чаққонликка ундайди ва қоматни тўғри тутишга ўргатади. Гуруҳларга бўлиниб ўйналганда болаларда жисмоний тарбияга қизиқиш ортади. Бу ўйин қадимдан ота-боболаримиз томонидан кенг ўйналган.

***4. Чидамлиликни тарбияловчи ўйинлар.*** Кўплаб миллий халқ ҳаракатли ўйинлари жадал бажариладиган машқлардан иборат бўлгани учун болаларда тезкорлик ва чидамлилик каби жисмоний сифатлар шаклланади. Бундай ўйинларда жисмоний юклама аста-секин оширилиб борилади, масалан:

– Майдоннинг ўлчамини катталаштириш
– Ўйинчилар сонини камайтириш
– Жиҳозлар (таёқча, рўмолча, арқон, тўп ва ҳоказо)нинг сонини кўпайтириш
– Югуриш масофасини узайтириш
– Тўсиқлар сонини ошириш
– Мураккаб машқларни қўллаш ва уларнинг сонини кўпайтириш

Бу усуллар изчиллик билан қўлланилганда чидамлиликни яхшироқ ривожлантиришга эришилади. Чидамлиликни шакллантирувчи ўйинлар жумласига "Оқсоқ қарға", "Ланка", "Подачи" каби ўйинлар киради.

Масалан, "Оқсоқ қарға" эстафета кўринишидаги ҳаракатли ўйин бўлиб, унда иштирокчилар икки гуруҳга бўлинади. Ҳар бир ўйинчи навбат билан бир оёғини боғлайди. "Тайёрлан - бажар" буйруғидан сўнг ҳар икки гуруҳдан биттадан ўйинчи қарама-қарши гуруҳнинг чизиғигача бир оёқда сакраб боради ва орқага югуриб келиб, боғични навбатдаги ўйинчига беради. Ўқитувчига боғични илк етказиб берган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Бу ўйин чидамлиликни ривожлантиришга хизмат қилади.

***5. Эгилувчанликни тарбиялаш.*** 11-12 ёшли болаларда эгилувчанлик сифатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки бу ёшда эгилувчанликнинг ўсиш суръати секинлашади. Эгилувчанликни шакллантириш учун турли мушак гуруҳлари ва бўғинларга таъсир этадиган махсус ўйинлар танланади. Бундай ўйинлар кўпинча спорт жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади ва иштирокчиларнинг ўзлари ҳам оғирлик вазифасини ўташи мумкин.

Фаол эгилувчанлик мушакларнинг кучига боғлиқ бўлади. Мушакларнинг чўзилувчанлиги эса марказий нерв тизимининг таъсири остида ўзгаради. Шунинг учун ўқувчилар бундай ўйинларга қизиқиш билан қатнашганда, эгилувчанлик яхшироқ ривожланади. Эгилувчанликни талаб қиладиган ўйинлардан олдин тегишли енгил жисмоний машқлар бажарилиши муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, болаларни ҳар томонлама ривожлантиришда турли хил ўйинлардан фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўйинлар болаларнинг жисмоний сифатларини шакллантиришга ёрдам беради ва уларга қизиқарли машғулотлар орқали завқ-шавқ бахш этади.

Эгилувчанликни тарбиялаш учун «Тизза остида рўмолча», «Таёқни даврага ирғитиш», «Тўсиқдан сакраб ўтиш», «Тош ўйин» каби ўйинлар тавсия этилади. Масалан, биз 11-12 ёшли ўқувчилар учун қизиқарли ва эгилувчанлик сифатини самарали равишда оширадиган «Тош ўйин» ўйинини тавсия этамиз. Ўйинда иштирок этувчилар доира бўйлаб турадилар. Уларнинг ҳар бири, бир ўйинчидан ташқари, қўлларига бештадан тошча ушлаб олади. [9, 141].

**Ўйиннинг қоидаси.** Ушбу матнда миллий ўйинлардан бирининг қоидалари баён этилган. Ўйинда ўйинчилар доира марказига орқа ўгирган ҳолда турадилар ва олдинга тошларини ташлайдилар. Мураббий сигнал берганда, улар тез айланиб, ўз тошларини

олишга ҳаракат қиладилар. Тошини олишга улгурмаган ўйинчи ўйиндан чиқади. Ўйиннинг ғолиби энг эпчил, чаққон ва тезкор ҳаракат қиладиган ўйинчи ҳисобланади.

Бу ўйин болаларда эгилувчанлик, уюшқоқлик ва баҳамжиҳатликни шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, матнда ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний ривожланишидаги фарқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Ўғил болалар бўйи, вазни, кўкрак қафаси ҳажми ва мускул кучи жиҳатидан қиз болалардан фарқ қилади. Натижада, уларнинг ҳаракат қобилиятлари ҳам турлича бўлади - ўғил болалар тезроқ югуришади, узоқроққа сакрайдилар, яхшироқ улоқтирадилар ва кучлироқ ҳамда чидамлироқ бўладилар.

Шу сабабли, халқ ўйинларини болаларнинг жинсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлаш ва ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Уларга юкни кўтариш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, қаршиликни енгиш, узоқроқ муддат югуриш, сакраш баландлигини ошириш, шунингдек, улоқтиришда нишон орасидаги масофани узайтиришдан иборат. Қизларга майин, ритмик рақс ҳаракатларига асосланган халқ ҳаракатли ўйинларини ўғил болаларга қараганда кўпроқ ўргатиш керак. Халқ ҳаракатли ўйинларини мана шу хусусиятларга қараб танлаш лозим. Шу жиҳатдан қараганда миллий халқ ҳаракатли ўйинларини икки гуруҳга бўлиб, ўрганиш мумкин:

**1.** Ўғил болаларга мўлжалланган ўйинлар-ўғиллар ўйини

**2.** Қиз болаларга мўлжалланган ўйинлар -қизлар ўйини

**3.** Ҳам ўғил болалар, ҳам қизлар ўйнайдиган ўйинлар, қўшма ўйинлар.

Ўғил болаларнинг физиологик ва жисмоний хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга «Хўроз-хўроз» , «Чопон кўл», «Отдан ағдариш», «Таёқни даврага ирғитиш», «Ланка», «Қиличбозлар» каби ўйинларни тавсия этиш мумкин. Қиз болаларнинг ўйинлари нисбатан камчиликни ташкил этади, шундай бўлсада, уларга «Тош териш», «Чумчуқча», **«**Ким чаққон», «Доира ичида рақс» в.ҳ. Қўшма ўйинларга «Алмаш қадамлар», «Она товуқ ва ҳакка», «Тирилтиришма», «Урди- қочди», «Дўппи кийишда ким ғолиб?», «Тўрт муюш», «Юлдуз», «Кундуз-кеча», «Оломон пойга», «Тизза остида рўмолча», «Улоқ», «Оқсоқ қарға», «Оқсоқ бўри ва қўйлар», «Қопқон», «Қармоқча», «Подачи» каби жуда кўплаб ўйинларни тавсия этиш мумкин.

Миллий ҳаракатли ўйинлар таснифидан кўринадики, кўпчилик ўйинлар қўшма ўйинлар ҳисобланади. Шунинг учун уларни ўғил ва қиз болалар биргаликда бажарадилар. Кураш элементини ўз ичига олган машқлар бажарилаётганда қизлар шериги - дугоналари билан биргаликда бирмунча осонроқ ўйинларни бажарадилар ёки ўқитувчининг топшириғига биноан бошқа гуруҳда шуғулланадилар. [17, 148].

**Хулоса ва тавсиялар.** Олинган натижалар шуни кўрсатадики тўғри йўналтирилган машғулотлар натижасида яъни ёш теннисчиларни жисмоний тайёргарлигини оширишга қаратилган анъанавий стандарт машқлар ва махсус тайёрланган ҳаракатли ўйин ёрдамида тадқиқот давомида ўқув машғулотларда олиб борган ишларимизни ўз самарасини берганлигидан далолат беради.

6 ой давомида ўтказилган тажрибада ёш теннисчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлик даражаси биз қўллаган ҳаракатли ўйинлар эвазига сезиларли даражада яъни 1,4 % га ўсганлигини гувоҳи бўлдик. Кўриниб турибдики тажриба ҳаракатли ўйинлардан иборат.

Олинган тадқиқот натижаларига кўра, бошланғич даврда ўтказиладиган машғулотларда кўпроқ ҳаракатли ўйинларни қўллаш жисмоний тайёргарлик кўрсаткичини анча жадал ривожлантиришга асос бўлар экан.

Ёш теннисчиларни жисмоний тайёргарликлари уларни мусобақа фаолиятига кескин таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Жисмоний тайёргарликда уларни барча жисмоний сифатлари ривожланганлик даражаси юқори бўлиши керак. Ёш теннисчиларни жисмоний тайёргарлигида тезлик куч сифатларини аҳамияти ўзгача.

Айниқса биз томондан қўлланилган анъанавий стандарт машқлар ва махсус танланган ҳаракатли ўйинларни ёрдамида жисмоний ва техник тайёргарлиги ҳамда кўникма, малакаларини оширишга ҳаракат қилинди. Олиб борган тадқиқотимизга асосан ёш теннисчиларни тайёрлашда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти муҳим ўринга эга деб бемалол айтишимиз мумкин, ва Республикамизда ёш теннисчилар билан ишлаётган мураббийларга ҳам тавсия этардик.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Axmedova N.I. “Sport pedagogik mahoratini oshirish (tennis)”. Oʻquv qoʻllanma. Ch.: 2023y. 257 b.
2. Abdalimov O.X., Azamatova N.I. “Yosh tennischilarni tayyorlash texnologiyasi” Oʻquv qoʻllanma. T.: 2014y. 115 b.
3. Pulatov SH.A., Axmedova N.I. “Sport o’yinlari elementlariga o’rgatish (tennis)” Ch.: 2022y. 215 b.
4. Axmedova N.I., Azamatov A.I. “Tennis boyicha sport ta’lim-muasssalarida mashg’ulot o’tkazish uslubiyati”. O’quv-uslubiy qo’llanma. Ch.: 2023y. 140 b.
5. Azamatov A.I. “Stol tennisi nazariyasi va uslubiyati” Oʻquv qoʻllanma. Ch.: 2023y. 200 b.
6. Axmedova N.I. “Tennischi qizlarning jismoniy va maxsus tayyorgaligini takomillashtirish yo’llari”. Monografiya. Ch.: 2023y. 72 b.
7. Axmedova N.I. Tennis-Sport pedagogik mahoratini oshirish. O’quv-uslubiy qo’llanma. T: 2014, 200 b.
8. Нафиса Ахмедова, Шерзод Пулатов, Абдулло Азаматов. Ёш теннисчиларда тана мувозанати турғунлигининг ҳаракатланаётган объектга реакция аниқлигининг намоён этишдаги роли. Academic research in educational sciences 2020 y. OOO «Academic Research». 334-340.
9. Н.И. Ахмедова, А.И. Азаматов, Н.И. Азаматова. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН РАКЕТКА УСТАЛАРИНИНГ ТОКИО-2020 XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОКИ НАТИЖАЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛИ. Fan-Sportga. 2021. 27-30
10. N.I. Akhmedova, OX Abdalimov. METHOD OF IMPROVING THE TECHNIQUE OF PLAYING IN TENNIS IN FRONT OF THE NET. Академические исследования в современной науке. 14/06/2023. 51-54.
11. Nigora Azamatova, Nafisa Axmedova, Abdullo Azamatov. Specific features of improving the technique of playing in front of the net in tennis. Collection of scientific papers. XI internashional scientific conference of students and young scientists. Chirchik, Uzbekistan.1.№1. 2022/9/24. 85-86
12. N.I. Akhmedova, R.A. Lutfullina, A.I. Azamatov, N.I. Azamatova. METHOD OF IMPROVING THE TECHNIQUE OF PLAYING IN TENNIS IN FRONT OF THE NET. Евразийский журнал академических исследований. 2022/6/30. 541-543.
13. Н.И. Ахмедова, А.И. Азаматов, Н.И. Азаматова. ЁШ ТЕННИСЧИЛАРДА ТАНА МУВОЗАНАТИ ТУРҒУНЛИГИНИНГ ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН ОБЪЕКТГА РЕАКЦИЯ АНИҚЛИГИНИ НАМОЁН ЭТИШДАГИ РОЛИ. Fan-Sportga. 2022. 28-31.

14. Nigora Isakhodzhaevna Azamatova, Nafisa Isakhodzhaevna Akhmedova, Abdullo Isaxodja Oglu Azamatov, Rumiya Anvarovna Lutfullina. Agreed rules, disciplinary procedures, sanctions and other forms of combat against doping in sport. Science and Education. 2022. 1800-1806.
15. Нигора Исаходжаевна Азаматова, Нафиса Исаходжаевна Ахмедова, Абдулло Исаходжа Угли Азаматов, Румия Анваровна Лутфуллина Ўзбекистон терма жамоаси теннисчиларнинг олимпия ўйинларида натижа динамикаси ва спорт формаси таҳлили. Science and Education. ООО «Open science». 2022. 3.№5. 1378-1382.
16. Н.И. Ахмедова, Н.И. Азаматова, А.И. Азаматов. МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИГРЫ У СЕТКИ В ТЕННИСЕ. 2017. 121-124
17. Н.И. Ахмедова, Н.И. Азаматова, А.И. Азаматов. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИГРЫ У СЕТКИ В ТЕННИСЕ. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФИЗИЧЕСКОГО, 2016. 125-128.
18. N.I. Akhmedova, N.I. Azamatova, A.I. Azamatov, F.T. Umaraliyeva, Sh. D. Saidova. THE IMPORTANCE AND ROLE OF SPORT IN HIGHER EDUCATION. Science and innovation in the education system. 08.11.2023. №2. 56-64.
19. N.I. Akhmedova, N.I. Azamatova, A.I. Azamatov, F.T. Umaraliyeva, Sh. D . Saidova. RATIONAL NUTRITION IN THE LIFE OF STUDENTS. 2023/11/8. Current approaches and new research in modern sciences. 2.№11. 33-38
20. N.I. Akhmedova, N.I. Azamatova, A.I. Azamatov, F.T. Umaraliyeva, Sh. D. Saidova. USE OF SPECIAL TENNIS EXERCISES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES AMONG STUDENTS. Академические исследования в современной науке. 2. №24. 47-52.
21. Axmedova , N.., Abdalimov, O.., Azamatov, A.., &Lutfullina, R.. (2023). OLIY O'QUV YURTLARIDA TA'LIM JARAYONIDA TALABALARNING AQLIY ISH FAOLIYATINI O'ZLASHTIRISHDA JISMONIY TARBIYA TARBIYA TADBIRLARINING AHAMIYATI. *Молодые ученные,* 1(20), 50-53.
22. Axmedova , N.., Abdalimov, O.., Azamatov, A.., &Lutfullina, R.. (2023). OLIY TA'LIMDA SPORTNING AHAMIYATI VA O'RNI. Наука и инновация, 1(33), 96-100.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4I3Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).